

# International Finance and Accounting

---

Volume 2018 | Issue 1

Article 5

---

2-1-2018

## FOREIGN EXPERIENCES AND FEATURES OF PENSION SUPPLY

Z. Beknazarov

*Tashkent Financial institute*

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance>

---

### Recommended Citation

Beknazarov, Z. (2018) "FOREIGN EXPERIENCES AND FEATURES OF PENSION SUPPLY," *International Finance and Accounting*: Vol. 2018 : Iss. 1 , Article 5.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2018/iss1/5>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in International Finance and Accounting by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact [sh.erkinov@edu.uz](mailto:sh.erkinov@edu.uz).

Бекназаров З.Э. – ТМИ,  
ўқитувчи

## ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИДА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА ВА ХУСУСИЯТЛАР

Мақолада Ўзбекистон Республикаси Давлат пенсия таъминоти ва тараққий этган мамлакатларнинг пенсия тизимининг ривожланиш босқичлари ўрганилган. Мақолада ривожланган мамлакатларнинг пенсия таъминоти бўйича тажрибаларини Ўзбекистонда қўллаш имкониятларни кўриб чиқилган.

**Калит сўзлар:** пенсия таъминоти, ижтимоий ҳимоя, ижтимоий суғурта, жамғаридори бориладиган пенсия, пенсия тизими, пенсия миқдори, ижтимоий таъминот.

В статье рассматриваются этапы развития пенсионной системы Государственной пенсионной системы Республики Узбекистан и развитых стран. В статье рассматриваются возможности применения опыта выхода на пенсию в развитых странах в Узбекистане.

**Ключевые слова:** пенсионное обеспечение, социальная защита, социальное страхование, накопительная пенсия, пенсионная система, размер пенсии, социальное обеспечение.

The article considers the stages of development of the pension system of the State Pension System of the Republic of Uzbekistan and developed countries. The article examines the possibilities of applying the retirement experience in developed countries in Uzbekistan.

**Key words:** pension provision, social protection, social insurance, funded pension, pension system, pension size, social security.

Дарҳақиқат, пенсия фуқароларга давлат ёки бошқа субъектлар томонидан қонунда белгиланган ҳолларда муентазам ва одатда, умрбод тўланадиган тўловлар бўлиб, ижтимоий таъминотнинг муҳим шакли ҳисобланади.

Дунёда пенсия таъминотида юз берадиган ўзгаришларни, хусусан, ривожланган мамлакатларда пенсия тизимининг ўзига хос хусусиятларини, ундаги илгор тажрибаларни ўрганиш мамлакатимизда пенсия таъминоти тизимини янада такомиллаштиришда муҳим амалий аҳамият касб этади.

Тараққий этган мамлакатларда ижтимоий ҳимоянинг турли институтларини қамраб олувчи пенсия тизимининг турли моделлари – давлат пенсия таъминоти, мажбурий ижтимоий суғурта, шахсий ижтимоий суғурта ва бошқалар – қўлланилади. Бунда “жамғариладиган” ва “тақсимловчи” моделлар ҳам бўлиб, асосан, “комбинациялашган” модел амал қиласи.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳозир аҳолисининг 20 фоизидан кўпи 65 ёшдагиларни ташкил қилувчи мамлакатлар сафида фақат қуидаги давлат – Германия, Италия ва Япония бор.

Буюк Британия пенсия тизими дунёдаги энг қадимийси бўлиб, оммавий ва универсал пенсия таъминоти 1908 йилда жорий қилинган. Мазкур тизим ташкил этиш, тартибга солиш ва имкониятлар танлови бўйича бир мунча мураккаб ҳисобланади. Буюк Британиялик пенсионерлар ойлик маоши ва иш стажидан келиб чиқиб, давлатдан базавий пенсияни ҳам, миллий суғурта тизимидан меҳнат пенсиясини ҳам олиши мумкин. Давлатнинг базавий пенсиясини 65 ёшдан ошган эркаклар ва 60 ёшдан ошган аёллар олишади, унинг миқдори иш стажига боғлиқ бўлади. Пенсиянинг миқдори чекланган ва инфляциядан келиб чиқиб, давлат томонидан индексация қилинади. Ишчи-ходимнинг ўртача ойлик иш ҳақининг 20 фоизи миқдорида давлат томонидан кафолатланади. Меҳнат пенсияси ҳам ишчи-ходимнинг бадаллари ҳисобига шакллантирилади, бироқ, бунда иш берувчи билан тенг иккига бўлинади. Меҳнат пенсияси тўғридан-тўғри тўловлар миқдорига боғлиқ бўлиб, даромаднинг 20 фоизини ташкил қиласди. Бундан ташқари, Буюк Британияда хусусий пенсияларни жамғаришнинг турли-туман усуллари – корхонада корпоратив дастурлардан тортиб, то нодавлат пенсия фондларига ихтиёрий тарзда пенсия жамғаришнинг ривожланган тизими ҳам – мавжуд.

Ижтимоий таъминот тизими биринчи марта 1889 йилда Германияда Бисмарк томонидан яратилган. Ушбу тизим тўлиқлигича суғуртага асосланган бўлиб, тўловлар миқдори иш ҳақига боғлиқ бўлган. Германиянинг пенсия тизими “авлодлар бирдамлиги” тамойилига асосланади, яъни ҳозирда ишловчилар пенсионерларнинг пенсияларини тўлаш учун давлат пенсия фондига ижтимоий суғурта бадалларини тўлайдилар ва бу пенсионерларга пенсия тўланади. Бугунги кунда ишлаётган фуқаролар томонидан тўланадиган тўловлар миқдори қанчалик юқори бўлса, кейинчалик улар томонидан тўланган тўловларга мутаносиб равишда пенсия миқдори шунча юқори бўлади. Германия фуқаролари томонидан Пенсия фондига тўланадиган ҳар ойлик тўловнинг ўртача миқдори улар иш ҳақининг 20 фоизини ташкил қиласди. Бунда унинг тенг ярмини иш берувчи тўлайди. Фуқаро ҳарбий хизматни ўтаётган вақтида ёки аёлларнинг декрет таътили давомида тўловлар давлат ҳисобидан амалга оширилади. Пенсия ҳисоб-китоблари индивидуал коэффициентлар асосида (бутун меҳнат фаолиятида) амалга оширилади. У пенсияга чиқиш ёшига (Германияда пенсияга чиқиш ёши 67 ёшни ташкил қиласди), меҳнат стажига, иш ҳақи миқдорига ва пенсиянинг турига боғлиқ бўлади. Германияда ишловчиларнинг кўпчилиги нодавлат пенсия фондларида иштирок этишади ва хусусий пенсия режаларига эга бўлади

Илк пенсия таъминоти Франция ҳарбий денгиз флоти офицерлари учун 1673 йилда жорий этилган. 1790 йилдаги “Буюк француз инқилоби” даврида Давлат хизматчилари учун фуқаролик пенсияси ҳақидаги қонун қабул қилинди. У 30 йил меҳнат қилган ва эллик ёшга тўлганлар учун мўлжалланган эди. Франция пенсия тизими “тақсимловчи” моделга асосланган бўлиб, бунда пенсионерларнинг пенсиялари иқтисодий фаол аҳоли тўловлари ҳисобидан шаклланувчи даромадлар ҳисобидан амалга оширилади. Пенсия таъминотини бошқариш давлат назорати асосида Касаба уюшмалари ва ассоциациялари томонидан амалга оширилади. Пенсия бадаллари иш берувчилар ва ишловчилар ўртасида тақсимланади. Эркин касб эгалари, жумладан, кичик тадбиркорлик субъектларининг, дехқонларнинг Пенсия фондига тўлайдиган ҳар ойлик тўловлари миқдори иш ҳақининг 16,35 фоизни ташкил қиласи. Францияда пенсиялар ўртacha иш ҳақининг 50 фоизини ташкил қиласи ва бунда сўнгги 11 йиллик меҳнат стажи ҳисобга олинади. Бироқ, Францияда минимал ва максимал давлат пенсияси амал қиласи. Бугунги кунда минимал давлат пенсияси тахминан йилига 6 минг еврони ташкил қиласи, максимал давлат пенсияси миқдори эса бундан 2 баробар кўп. Пенсияга чиқишининг минимал ёши 60 йилни ташкил қиласи. Агар фуқаро 41 йил ишлаган бўлса, у тўлиқ миқдорда пенсия олади. Агар меҳнат стажи кам бўлса, пенсия миқдори 1,25 фоизга камаяди. Агарда фуқаро 65 ёшида муносиб тарзда нафақага чиқадиган бўлса, у ҳолда у қачон меҳнат фаолиятини бошлаганидан қатъий назар ўз пенсиясини тўлиқ олади. Франция Қариялар ишлари бўйича вазири Мишель Делоне мамлакатда 60 ёшдан ошганлар умумий аҳоли улушида 23,4 фоизни ташкил этаётганини таъкидлар экан, кексаларни ишлаб чиқаришга фаол жалб қилиш масаласини кун тартибига қўйди. Улар истиқболда давлат хизматлари учун, балки, кўплаб компанияларга ҳам бағоят фойдали шахсларга айланишлари мумкин.

Швецияда пенсиялар уч қисмдан иборат: шартли-жамғарма; жамғарма ва кафолатли. Биринчиси, ишчилар иш ҳақининг 16 фоизини ташкил этувчи бадаллар ҳисобидан шаклланади ва бу жорий иқтисодий вазият ва демографик ҳолатдан келиб чиқиб, индексацияланади. Жамғарма қисми ҳам ишчиларнинг иш ҳақига боғлиқ бўлади, бироқ, бу маблағлар ишловчининг ҳисоб-рақамидаги реал маблағлар бўлиб, ушбу маблағларни нодавлат пенсия фондлари орқали инвестициялаши мумкин.

Финляндия пенсия тизимида асосий ўринни тақсимловчи пенсия тизими эгаллайди. Тақсимловчи пенсия тизими базавий ва суғуртавий қисмга бўлинади. Базавий қисм миллий (давлат) пенсиянинг минимал миқдорини кафолатлайди. Меҳнат пенсиясининг суғуртавий қисми марказлашмаган бўлиб, суғурта компанияси ёки пенсия фондининг танлаб олинган схемаси бўйича бадаллар

ҳисобига шаклланади. Схемалар тармоқ, алоҳида корхона, ижтимоий гурӯҳлар тарзида бўлиши мумкин. Схемалар қисман фондлаштирилган бўлади.

Норвегияда пенсиялар ҳар бир фуқарога давлат томонидан тўланади ва унинг миқдори меҳнат стажи ва иш ҳақи миқдорига боғлик бўлади. Бундан ташқари, мамлакатда нефт ҳисобидан орттирилган юқори даромадлар жойлаштирилган Пенсия фонди мавжуд. Давлат ушбу фонд маблағларини бутун дунё бўйича кўчмас мулк ва фонд бозорига инвестиция қиласи. Норвегияда (Скандинавия мамлакатларида ҳам) пенсияга чиқиш ёши аёллар учун ҳам, эркаклар учун ҳам – 65-67 ёшни ташкил қиласи, бирок, Ҳукумат ҳозирги кунда пенсия ёшини 70 га етказиш чораларини кўрмоқда.

АҚШда давлат пенсия тизими ҳамда хусусий пенсия тизими амал қиласи. Шунга мувофиқ равиша АҚШ фуқаролари ўзини бир эмас, уч турдаги пенсия билан таъминлайди: давлат; хусусий жамоа (иш жойи бўйича) ва хусусий индивидуал (шахсий пенсия ҳисоб-рақами очиш йўли билан). Тақсимловчи (давлат пенсияси) тизимда пенсионерлар ҳозир ишлаётган фуқаролар томонидан Пенсия фондига бадалларни тўлашлари ҳисобига пенсия оладилар. АҚШда энг йирик давлат пенсия тизими – умумий Федерал дастур ҳисобланиб, ушбу дастур иқтисодиётнинг хусусий секторида банд бўлган барча аҳолини қамраб олади ва тақсимловчи тамойилга асосланади. Дастур 1935 йилда қабул қилинган “Ижтимоий суғурта тўғрисида”ги Конунга асосан амал қиласи ва минимал пенсияни таъминлайди. Жамғарилувчи тизимга эса давлат пенсия дастурлари билан бирга хусусий пенсия дастурлари ҳам тегишилди. Жамғарилувчи тизимдаги давлат пенсия дастурлари маҳаллий органларда ва Ҳукумат таркибида ишловчи фуқароларга мўлжалланган. Иқтисодиётнинг хусусий секторида ишловчилар иш жойида ташкил этиладиган қўшимча давлат пенсия тизимида иштирок этишлари мумкин. Дастур белгиланган тўловлар асосида иш берувчилар томонидан қилинадиган ажратмалар ҳисобидан шаклланади, бунда ишловчилар иштирок этмайди. Ҳар бир АҚШ фуқароси тижорат ва жамгарма банкларда, пай фондларида, суғурта компанияларида ўзининг шахсий пенсия ҳисоб-рақамини очиши мумкин. Шахсий пенсия ҳисоб-рақамига тўловларнинг йиллик миқдорининг юқори чегараси чекланган бўлиб, 2000 АҚШ долларини ташкил қиласи. Ушбу ҳисоб-рақамдаги маблағларни 59,5 ёшгача ечиб олиш мумкин эмас, 79,5 ёшга тўлганда эса ҳисоб-рақам мажбурий тартибда ёпилади. Ҳисоб-рақамдаги ушбу маблағлар солиқка тортилмайди, аммо, ушбу маблағларни ҳисоб-рақамдан ечиб олишда ҳамда ҳисоб-рақамни ёпишда жамғарилган маблағлардан даромад солиғи олинади. АҚШда 1938 йилгача туғилган шахслар учун пенсия ёши 65 ёшни ташкил қиласи. Аҳолининг умргузаронлиги ошиб бориши билан “Ижтимоий таъминоти тўғрисида”ги Конунга тегишли ўзгаришлар киритилди ва пенсия ёши 67 ёш қилиб

белгиланди. АҚШ пенсия тизимининг модели бир қанча Лотин Америкаси давлатларида ва Португалияда ҳам амал қиласди.

Чили пенсия тизими дунёдаги инновацион пенсия тизимларидан бири ҳисобланади. Пенсия тизимининг Чили моделида пенсия жамғармалари шаклланишининг жавобгарлиги ишловчи фуқаролар зиммасига юклатилган. Ҳар бир фуқаронинг ўзининг пенсия ҳисоб-рақами мавжуд бўлиб, ушбу ҳисоб-рақам ишловчилар иш ҳақининг ойлик 10 фоизини ташкил этувчи бадаллар ҳисобидан тўлдириб борилади. Кейинчалик ушбу маблағлар фуқаролар хоҳишига кўра хусусий бошқарувчи компаниялар томонидан капитализация қилинади. Чилида пенсия ёши эркаклар учун 65 ёшни, аёллар учун 60 ёшни ташкил қиласди.

Хитойда пенсияларни дастлаб чиновниклар ва давлат компаниялари ишчилари олишган. Кейинчалик бу тизимга бозор ислохотлари натижасида хусусий секторда ишловчи шаҳар аҳолиси ҳам жалб қилинган. 2007 йилда 30 фоиз аҳоли пенсияга эга бўлган бўлса, қолганларини анъанавий тарзда фарзандлари боқишиган. 2009 йилда Хитой хукумати қишлоқ аҳолиси учун ҳам пенсияларни жорий қилди. 2012 йилда пенсия тизими Хитой аҳолисининг 55 фоизини қамраб олди. Хитойда 2013 йилда 60 ёшдан ошган аҳоли сони 202 миллион киши бўлди ва аҳоли сонининг 15 фоизини ташкил қилмоқда. Бу қатлам билан ишлаш, уларга ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш, жамият ҳаётидан ажralиб қолмаслигини таъминлаш юзасидан Хитой кенг кўламли чора-тадбирларни аллақачон бошлаган.

Хозирги кунда кўплаб мамлакатларда пенсияга 65 ёшдан чиқиласди. Европа ва АҚШда яқин йиллар ичida бу чегарани 70 ёш қилиб белгилаш назарда тутилмоқда. 2005 йилдаётқ Еврокомиссия Европа Иттифоқи мамлакатлари пенсия ёшини босқичма-босқич ошириб бориши зарурлиги бўйича тегишли тавсия берган. 2060 йилга бориб иқтисодий нуқтаи назардан оптimal вариант 70 ёш атрофида бўлади.

Россияда пенсия ёши 2015 йилда эркаклар учун 60 ёш, аёллар учун 55 ёшни ташкил этар эди. Лекин, ушбу мамлакатда ҳам пенсия ёшини босқичма-босқич ошириб бориш жараёни бошланди ва 2016 йилда эркаклар 61 ёшда, аёллар 56 ёшдан пенсия чиқиши ва шу зайлда давом этиб, 2020 йилга бориб эркакларнинг 65 ёшда, аёлларнинг 60 ёшда пенсияга чиқиши қонунан белгилаб қўйилди.

Юқорида амалиётлари таҳлил этилган хорижий давлатларда пенсия тизимида ўзига хослик ва дунёнинг кўплаб ривожланаётган ва заиф иқтисодий ривожланишда бўлган давлатлари учун тажрибалар орттиришга муносиб ютуқлар ҳам мавжудлигини кўриш мумкин.

Ўзбекистон Республикасида ўзига хос пенсия тизими амал қиласди. Жумладан, республикамизда эркаклар 60 ёшдан, аёллар 55 ёшдан пенсияга чиқадилар. Ривожланган ва бошқа кўпгина давлатлардан фарқли ўлароқ,

мамлакатимизда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизими яхши ривожланган. Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.А.Каримов мамлакатимиз Конституцияси қабул қилинганинг 22 йиллигига бағишенган тантанали маросимда 2015 йилни “Кексаларни эъзозлаш йили” деб эълон қилганлиги ва “Кексаларни эъзозлаш йили” Давлат дастурида кўзда тутилган чора-тадбирларни амалга ошириш учун 2 триллион 246 миллиард сўм ва 225 миллион доллардан зиёд маблағлар ана шу эзгу мақсадларга йўналтирилганлиги бунинг яққол мисолидир.

Президент Шавкат Мирзиёев томонидан 2017 йил 7 февралда қабул қилинган “Ҳаракатлар стратегияси”нинг ижтимоий соҳани ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилган. Умуман олганда, Ўзбекистон барча соҳалар сингари пенсия тизимини ривожлантириб боришга доимий эътибор қаратиб келмоқда. Бу борада аҳоли, меҳнатга лаёқатсиз бўлган фуқаролар манфаатлари учун хизмат қиласидаги ижтимоий ҳимоя ва таъминот ва пенсия тизимининг зарурӣ ҳуқуқий асослари яратилганлиги ҳамда пенсия ва бошқа ижтимоий нафақаларнинг йил сайин ошириб борилаётганлигини алоҳида таъкидлаб ўтмоқ лозим. Шундай бўлса-да, миллий пенсия тизимини ривожлантиришда изчил давом этиш ва унинг янада самарали бўлишини таъминлашда тараққий этган мамлакатларнинг илғор тажрибаларини ўрганиб бориш мақсадга мувофиқдир.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Рустамов Д. Р. Пенсия тизимининг молиявий барқарорлигини таъминлаш йўналишлари. — Т.: Iqtisod—Moliya. 2013.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иктисодий ривожлантириш Якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иктисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишенган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. \\ Халқ сўзи. 2016 йил.
3. <http://www.finanz.ru>
4. <http://www.mf.uz>
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 22 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси 2016 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги 2455-сон қарори.
6. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2017 йил 7 февралда қабул қилинган “Ҳаракатлар стратегияси”.